

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Навоий вилояти ҳокимлиги  
ҳузуридаги Жамоатчилик  
Кенгаши раиси  
Н.Тоғаева  
24.10.2025 йил



**Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши  
томонидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
бошқармасининг "Ўзбекистон 2030" стратегиясининг  
"Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва "яшил иқтисодиёт" йили  
Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси  
юзасидан ўтказилган жамоатчилик эшитуви**

## **БАЁННОМАСИ**

2025 йил 24-октябрь

Навоий шаҳри

- Модератор:** А.Жалилов “Юксалиш”  
ҳаракатининг Навоий вилояти ҳудудий  
бўлинмаси раҳбари
- Қатнашдилар:** Маҳаллий Кенгаш депутатлари, Навоий  
вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик  
Кенгаши аъзолари, тадбиркорлар, ННТлар,  
ОАВ вакиллари
- Таклиф этилганлар:** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
бошқармаси бошлиғи Л.А.Хайруллаев
- Кун тартиби:**
- Стратегия (Навоий вилояти ҳокимининг 58-  
5-0-Q/25- сонли қарори) 1-илова 27-мақсад  
51- банди, 28-мақсад 52-банд ва 29-мақсад  
54-бандлар) бўйича амалга оширилган  
ишлар бўйича ахборотини эшитиш.

### **I.Кириш қисми**

Жамоатчилик эшитувида дастлаб “Юксалиш” ҳаракатининг  
Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари А.Жалилов сўзга чиқиб,

кейинги йилларда Мамлакатимизда инсон қадрини янада улуғлаш, юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича қатор ишлар қилинаётганига алоҳида тўхталди.

Шунингдек, “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили давлат дастури қабул қилиниб, унга мувофиқ Навоий вилоятида ҳам бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланганини қайд этди.

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий устувор вазифаларини ўзида мужассам этган “Ўзбекистон-2030” стратегияси қабул қилиниб, унинг негизида ҳар йили давлат дастурлари қабул қилиниб, ижрога қаратилмоқда.

Жорий йил учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30-январдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сонли Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармонга асосан, Навоий вилояти ҳокимининг 58-5-0-Қ/25-сонли қарори қабул қилинди.

Фармоннинг 34-банди ва вилоят ҳокими қарорининг 11-бандида “Давлат дастурининг амалга оширилишини, шу жумладан жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда ўрганиб бориш ва ҳар ой якуни билан маълумот тақдим этиб бориш” вазифаси “Юксалиш” ҳаракати зиммасига юклатилган.

Биз мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир йўналиш, соҳалар кесимида жамоатчилик мониторинглари ва эшитувларини ўтказиб келинаётганига алоҳида тўхталди.

Эшитувда Стратегиянинг 1-илова 27-мақсад 51- банди, 28-мақсад 52-банд ва 29-мақсад 54-бандларида белгиланган вазифалар яъни Камбағалликни қисқартириш бўйича вилоятда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот бериш учун сўз Навоий вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Л.А.Хайруллаевга берилди.

## **II. Асосий қисм.**

**Л.Хайруллаев ўз ахборотида ҳудудий дастур ижросини таъминлаш мақсадида вилоят чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу борада ишлар ташкил этилаётганини таъкидлади. Жумладан, Вилоятда жорий йил бошида камбағал оилалар сони 13,2 мингтани ва камбағаллик даражаси 5,7 фоизни ташкил этган.**

“Камбағал оилалар реестри”даги жами **13 минг 250** та оилалардан **1 959 таси (15 фоизи)** қизил тоифага, **8 255 таси (62 фоизи)** сариқ тоифага, **3 036 таси (23 фоизи)** яшил тоифага мансублиги аниқланган.

Камбағалликни қисқартириш мақсадида вилоят ва туман даражасидаги **550 нафардан** ортиқ раҳбарларга **1-4 босқичларда 9 791 та** камбағал оилалар бириктирилиб, уларда аниқланган **53 мингта** муаммолари ҳал этилди, шундан:

- барқарор бандлик ва юқори даромад топиш билан боғлиқ **9,6 та,**

- кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида **15,9 мингта,**

- таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш йўналишида **10,6 та,**

- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш йўналишида **6,7 мингта,**

- яшаш шароитларини яхшилаш ва бошқа йўналишларда **10,2 мингта** муаммолар ҳал этилди.

Камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналишларидан бири аҳоли бандлигини таъминлаш бўлиб, бу йўналишда 2025 йил 9 ойида вилоятда жами **115,6 минг** аҳолини **даромадли меҳнат билан бандлигини** таъминлаш режалаштирилган.

Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида **129 минг нафар** аҳоли банд қилинди, шундан:

**инвестиция лойиҳалари ҳисобига 6 942 нафар,**

**тижорат банклари томонидан аҳолини доимий ишга жойлаштириш ҳисобига 35 036 нафар, тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобига 53 858 нафар,**

**қишлоқ хўжалиги йўналишида 28 559 нафар,**

**қурилиш соҳасида 4 582 нафар аҳоли даромадли меҳнатга жалб этилган.**

Вилоят бўйича жорий йил ўтган даври мобайнида туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига **18 071 нафар** фуқаролар мурожаат қилган бўлиб, улардан **18 064 нафарига бандлик хизматлари** кўрсатилган.

**Шундан, 13 918 нафар** фуқаролар корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилган.

Бундан ташқари, туман шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан **838 та** корхона ва ташкилотларга ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган **1 499 нафар** фуқаролар ишга жойлаштирилган.

Вилоятда, **319 мартаба** бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, **4 327 та** корхона ва ташкилотлар **13 453 та** бўш иш ўринлари билан қатнашган. Шундан ярмаркада иштирок этган

**6 934 нафар** фуқародан **3 959 нафари** доимий иш ўринларига ишга жойлаштирилган, **500 нафари** касб-ҳунарга жалб қилинган.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Навоий вилояти ҳудудидаги **2 та** (Навоий шаҳар ва Нурота тумани) Касбий кўникмалар марказлари ҳамда **50 дан** ортиқ давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда **8 623 нафар** ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқишга йўналтирилган.

Ўқишни тамомлаган **1 717 нафар** битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилиб бандлигини таъминлашда мақсадли ишлар олиб борилиб, уларни **92 фоизи** ёки **1 576 нафари**ни бандлиги таъминланди. *(бандлиги таъминланмаган 141 нафар ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш чоралари йўлга қўйилган).*

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари томонидан камбағаллик даражаси юқори **41 та** оғир тоифадаги маҳаллалар инфратузилмаси учун **123,0 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, хусусан, сув таъминотини яхшилаш учун ажратилган **49,8 млрд сўм** ҳисобига **17,6 мингта** хонадоннинг **3,6 минг гектар** томорқа ерлари иқтисодий оборотга киритилди, сердаромад экинлар жойлаштирилиб, бир оиланинг ўртача **60-70 млн.сўм даромад** олишига эришилмоқда.

*Маҳаллаларга 79 та артезиан қудуқ ва 2 та насос ўрнатилди ҳамда 30 км узунликдаги суғориш тармоғи бетонлаштирилган.*

Камбағал, ишсиз оилалар даромадларини ошириш мақсадида асосий эътиборни **маҳаллаларни чуқур ихтисослашувига** қаратган.

Вилоят бўйича мавжуд 310 та маҳалланинг **116 таси** чуқур ихтисослашган, **128 таси** ўрта ихтисослашган ва **66 таси** паст ихтисослашган.

Бугунги кунда вилоятдаги **98 та** маҳалла **камбағалликдан ҳоли** бўлди *(2 фоиздан паст)*.

Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш мақсадида жорий йилда **81 та** маҳалла қўшимча ихтисослаштирилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар **63 таси** ихтисослаштирилган.

Натижада ушбу **63 та** маҳаллардаги **18,8 мингта** хонадоннинг даромади олишига эришилган.

Маҳаллаларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш соҳасида 310 та маҳаллада жами қиймати **596,3 млрд.сўмлик 12 753 та** (ҳар бир маҳаллага ўртача 41 та) микролойиха ишга туширилиши натижасида жами **26 055 та** иш ўринлари яратилган.

### **III. Якуний қисм**

Эшитувда вилоят ҳокимлиги Жамоатчилик Кенгаши томонидан томонидан соҳага оид мавжуд муаммо ва камчиликлар муҳокама қилиниб, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини касб ва ҳунарга тайёрлаш, ҳудудларда ишсизликка барҳам бериш, бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Жумладан,

- Маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳар йили ҳоким ёрдамчиларининг Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида йиллик иш режалари тақдимотини ўтказишни йўлга қўйиш ва йил охирида бажарилган ишлар бўйича ҳисоботларини эшитиш;
- Ҳоким ёрдамчилари ўз маҳаллаларида фақат кредит ажратиш иан шуғулланиб қолаётганини, бу ҳолат эса етралича маҳаллада саноат ривожланишига тўқсинлик қилишини инобатга олиб, ҳар бир ҳудуддан камида 3 нафардан фаол ҳоким ёрдамчиларини хорижда стажировка ўташини йўлга қўйиш;
- Хатирчи туманидаги “Деҳқонобод” маҳалласидаги малиначилик ва Навбаҳор туманидаги “Гулистон” маҳалласида амалга оширилган асаларчилик лойиҳаларини бошқа маҳаллаларда ҳам жорий этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва мазкур маҳаллалар ҳоким ёрдамчилари фаолиятини тарғиб қилиш;
- Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ҳузурида жамоатчилик Кенгашини ташкил этиш, ва бандликни таъминлаш, аҳолини касбга ўқитишда соҳавий ННТлар билан ҳамкорликни кучайтириш.

**Жамоатчилик Кенгаши**

**Котиби**



**М.Хамидв**